

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ 1102-65  
2016 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2016 йил "6" Апрель даги



“Дефектология”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва  
ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий  
бирлашмалар фақиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2016 йил 26.09.2016 даги 1 - сонли баённомаси билан  
маъқулланган.*

Тузувчилар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”  
модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ю.ф.н., доц. В.Тонилдиев.

“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”  
модули: п.ф.д., проф. Н.А.Мусилмов, п.ф.н.

М.Т.Мирсолиева, п.ф.н. М.Усмонов, ўқитувчи  
М.Муталипова, ўқитувчи И.А.Эшмаматов.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш” модули: ф.ф.н., доц.  
Х.Холмедов, п.ф.н., доц. М.Мамаржабон, кат. ўқит. В.

Ҳамидов, ўқитувчи Т.Шаймардонов, ўқитувчи М.Файзиёва.

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги  
Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат. ўқит.  
У.Гиясова.

“Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари”  
модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, п.ф.н. Х.М.Алимов,  
п.ф.д., доц. Д.Юнусова, п.ф.н. М.Усмонов, п.ф.н.  
Ф.Эсанбобоев.

Махсус фанлар бўйича: Хорижий эксперт Эрнст фон  
Кордорфф (Германия). п.ф.н., доц. Я.Чичерина, п.ф.н.,  
доц. Д.А.Нуркелдиева, п.ф.н., доц. Ш.Амирсайдова,  
п.ф.н., доц. М.Аюпова, п.ф.д., доц. Ж.Толпилова.

Тақризчилар:

п.н.ф., доц. Ш.Мирзаахматова – Тошкент вилояти Халқ  
таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш институти “Мақтабгача, бошланғич ва  
махсус таълим” кафедраси муdiri.

п.ф.н., доц. Л.Ш. Нурмухаммедова – ТДПУ “Дефектология”  
факультети декани.

Ўқув дастури ТДПУ Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган  
(2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил  
12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор  
йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий  
талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг  
мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог  
кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад  
қилади.

Дастур мазмунини олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва  
конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат,  
таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш,  
амалий хорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус  
фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва  
ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнги  
ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал  
Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш  
усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини  
шакллантиришни назарда тутлади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва  
уларнинг тайёрларлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув  
режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим  
муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва  
инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали  
фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг  
таътиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш  
ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам  
юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини  
ташкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек, педагогик  
вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга  
эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос  
хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда  
тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака  
ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши  
мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги  
модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

Курснинг вазифаларига куйидагилар киради:

“Дефектология” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизmlарини яратиш;

замонавий талабларга мос холда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш; педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Дефектология” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- махсус педагогика фанларининг умумий ва хусусий тушунчаларини;
- махсус педагогика фанлари голялари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойилларини;
- махсус педагогика фанининг ютуқлари ва инновацияларини;
- инклюзив таълимнинг жорий этилиши муаммоларини;
- Ўзбекистонда бакалавр-дефектологларни тайёрлашнинг инновацион моделларини;
- мутахассислик фанларни ўқитишнинг ташкил этиш шакллари, инновацион методлар ва воситаларини;
- касалликларнинг халқаро классификациясини;
- ҳаётий кўникма ва малакаларнинг соҳалари: коммуникация, ўзига-ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, ўзининг хулқини, хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, таълим олиш ва уларнинг бузилишларини;
- реабилитацион педагогиканинг ижтимоий, нейропсихологик, тиббий ва психологик асосларини;
- ижтимоий-маиший ориентация ва мослашувни;
- реабилитацион педагогикада эрготерапевтик технологияларни;

#### **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик ҳужжатлари.

#### **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Таълимда илгор хорижий тажрибалар.

#### **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

3.2. Виртуал таълим технологияси.

#### **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

#### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

5.2. Педагогик жараённинг тизимли таҳлили.

#### **VI. Махсус фанлар**

1. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси

2. Реабилитацион педагогика

3. Педагогик квалиметрия

#### **VII. Педагогик амалиёт**

#### **VIII. Малакавий аттестация**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

- педагогик квалиметрия фанининг мақсади ва вазифалари, илмий-тадқиқот методлари, долзарб муаммоларини;
- профессор-ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрия диагностикасини;
- педагогик квалиметриянинг инновацион йўналиши бўлган таълим-тарбия жараёнида адаптив тест топшириқлари ва ва Mu test дастуридан фойдаланиш методикасини *билиши* керак.

#### Тингловчи:

- мутахассислик фанларини ўқитишни замонавий талаблар асосида ташкил этиш;
- мутахассислик фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойihalаш;
- мутахассислик фанларини ўқитишда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибаларни тахлил қилиш;
- ногиронликка эга бўлган шахсларда ҳаётий малакаларни шакллантириш йўлларини ўргатиш;
- ота-оналар ёки уларнинг ўринини босувчи шахсларни ривожланишида бузилишлари бўлган болаларни парваришlash, тарбияlash ва ривожлантиришига ўргатиш;
- таълим-тарбия жараёнида педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиш;
- профессор-ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрия диагностикасини ишлаб чиқиш;
- педагогик квалиметриянинг назорат технологияларидан кенг фойдаланиш;
- таълим-тарбия жараёнидан кутилаётган натижаларни башорат қилиш;
- идентив ўқув мақсадларини шакллантириш ва унга эришиш технологияларидан кенг фойдаланиш *қўлимчаларига* эга бўлиши лозим.

#### Тингловчи:

- махсус педагогика, реабилитацион педагогика фанининг ютуқлари ва инновациялари тахлил қилиш;
- инклюзив таълимнинг жорий этиш йўллари ишлаб чиқиш;
- мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли, дидактик ўйин методлар, муаммоли топшириқларни ишлаб чиқиш;
- битирув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик таъминотини тақомиллаштириш;
- таълим-тарбия жараёнида кутилаётган натижаларни башорат қилиш, идентив ўқув мақсадларини шакллантириш;
- реабилитацион педагогикада эрготерпевтик технологияларни;
- таълим-тарбия жараёнида тескари алоқани амалга оширишда педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиш, олинган натижани тахлил қилиш, ва жараённинг боришига тегишли ўзгартириш киритиш;

- тахсил олувчиларларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолашнинг самарали йўллари сифатида тест топшириқларини қўллаш, шу аснода рейтинг тизимини амалга ошириш *малакаларига эга бўлиши зарур*;

#### Тингловчи:

- махсус педагогика фанлари фойлари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойилларидан амалий фаолиятда қўллаш;
- махсус педагогика, реабилитацион педагогика фанини замонавий талаблар асосида ташкил этиш;
- махсус педагогика, реабилитацион педагогика фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли, дидактик ўйин методлар, Кейс-стади топшириқларидан самарали фойдаланиш;
- махсус педагогика, реабилитацион педагогика фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш;
- педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиб таълим-тарбия жараёнини тахлил этиш ва самарадорликни аниқlash *компетенциясига* эга бўлиши лозим.

#### Курс хажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юклаваси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати бериллади.

“Дефектология” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

#### I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгилашиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Ўқсак маънавият – энгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти иқболли ва буюк



келажаги йўлида хизмат килиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожига ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлариغا бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгилиниши.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга қилиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бошқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабийёлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш ҳақида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим

муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг яқуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича хорижий таъриба.

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат** **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиб босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассимент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга таъбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахсларо муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали хал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларининг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни

ахборотлаштириш шартларида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

### 2.2. Таълимда илгор хорижий тажрибалар.

Хорижий мамлакатлар таълим тизими. Замонавий ёндашувлар. Европа ягона таълим мухити (Болонья жараёни). Модулли таълим мухити. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Модулли-кредит тизими мухити. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

Таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги хорижий тажрибалар.

Махсус педагогика фанининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар ва уларнинг муаллифлари фаолияти. Соҳа илмий мактаблари фаолияти. Илмий мактабларда эришилган ютуқлар. Махсус педагогика соҳасида яратилган янги ўқув ва илмий адабиётлар тахлили.

## III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

### 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

Ахборот – коммуникация технологиялари хақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари. Педагогик дастурий воситаларни ўқув-тарбия жараёнида қўллашнинг дидактик асослари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Компьютер тармоқлари, интернет хақида тушунча. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Google асбоб ускуналари ва хизматлари(сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойихалаш. Ziuonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот мухитида жамoa бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот

технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мухитида педагогик жараёни лойихалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

## 3.2. Виртуал таълим технологияси

Мультимедиа тушунчаси, мультимедиа воситалари ва махсулотлари. Мультимедияни яратувчи дастурий таъминотлар. 3D технологиялар. Ўқув жараёнида симуляторлардан фойдаланиш. Виртуал борлик тушунчаси. Масофавий таълим тушунчаси, моделлари ва амалга ошириш bosқичлари. Муаллифлик дастурий махсулотлар (Authoring tools), ички контентни бошқарув тизимлари (CMS), оммавий онлайн очик курслар (MOOC), виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлари (LMS).

## IV. Амалий хорижий тил

### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот мухити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одадлари, анъаналари хақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзуллари: кундалик хаётга оид (шахсий маълумот, оила хақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий хаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахасссликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

### 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

Тизимли тахлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг максади ва вазифалари. Тизимли тахлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларни тизимли тахлилни амалга ошириш. Тизимли тахлилни амалга оширишнинг асосий bosқичлари. Тизимли

таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари. Тизимли таҳлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг эксперти ва прогности методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

### 5.2. Педагогик жараёнинг тизимли таҳлили.

Педагогикада тизим, тизимлилиқ ва яхлитлик котеҗориялари. Тизим ва муҳит тушунчаларининг ўзаро нисбати. Педагогик жараён – яхлит тизим сифатида. Педагогик жараён иштирокчилари ва уларнинг фаолияти. Педагогик жараёнинг муҳим таркибий элементлари, асосий йўналишлари ва уларнинг тузилмаси (объекти ва субъекти).

Педагогик жараёни тизимли таҳлил қилиш мақсади ва вазифалари ҳамда моҳияти ва устувор тамойиллари. Педагогик жараёнинг тизимли таҳлилга нисбатан замонавий ёндашувлар. Педагогик жараёни тизимли таҳлил қилишнинг самарали метод ва воситалари ҳамда босқичлари. Унинг натижалари ва уларни баҳолаш. Педагогнинг педагогик жараёни тизимли таҳлил қилишга қаратилган фаолияти. Педагогик жараёни тизимли таҳлил қилишда педагог маҳорати ва тажрибасининг аҳамияти.

Ўқув жараёни тизимли таҳлил қилишнинг мақсади ва аҳамияти. Ўқув жараёни тизимли таҳлил қилиш омилилари. Ўқув жараёни тизимли таҳлил қилиш натижалари (салбий ва ижобий). Салбий натижаларини бартараф этиш чоралари ва ижобий натижаларини бойитиш йўллари. Ўқув жараёни тизимли таҳлил қилиш юқори самарадорликка эришиш шартлари.

Педагогика соҳасида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда тизимли таҳлили.

## VI. Махсус фанлар

### 6.1. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси

Махсус педагогика фанларининг умумий ва хусусий тушунчалари. Махсус педагогика фанлари ғоялари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари. Махсус педагогика фанининг ютуқлари ва инновациялари. Махсус педагогикадаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари. Инклюзив таълимнинг жорий этилиши муаммолари. Ўзбекистонда бакалавр-дефектологларни тайёрлашнинг инновацион моделлари. Дефектолог кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Мутахассислик фанларни ўқитишни ташкил этиш шакллари. Мутахассислик фанлари бўйича мустақил ишлар. Мутахассислик

фанларини ўқитишда педагогик назорат. Мутахассислик фанларини ўқитишда инновацион методлардан фойдаланиш. Мутахассислик фанларни ўқитишда ўқитувчи ва талабаларнинг педагогик мулоқоти.

### 6.2. Ребилитацион педагогика

Касалликларнинг халқаро классификацияси. Ҳаётий кўникма ва малакаларнинг соҳалари: коммуникация, ўзига-ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, ўзининг ҳулқини, хатти-харакатларини назорат қилиш, таълим олиш ва уларнинг бузилишлари. Ребилитацион педагогиканинг ижтимоий, нейробиологик, тиббий ва психологик асослари. Махсус педагогнинг меъёрида ҳаёт кечириш учун зарур бўлган коррекцион-ривожлантирувчи ишлардаги роли. Ногиронликка эга бўлган шахсларда ҳаётий малакаларни шакллантириш. Таълим муассасаларидаги психо-соматик бузилишларга эга бўлган болалар. Таълим муассасаларида даволов, химоя-педагогик кун тартибини ўрнатиш. Ижтимоий-маиший ориентация ва мослашув. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ривожланишида бузилишлари бўлган болаларни парваришлаш, тарбиялаш ва ривожлантиришга ўргатиш. Ребилитацион педагогикада эрготерапевтик технологиялар.

### 6.3. Педагогик квалиметрия

Квалиметрия – объект ва жараёнларнинг сифатини аниқловчи фан сифатида. Квалиметриянинг умумий, махсус ва амалий (предметли) соҳалари ҳақида тушунча. Педагогик квалиметрия – квалиметриянинг амалий (предметли) соҳаси. Педагогик квалиметриянинг ўзига хос хусусиятлари. Педагогик квалиметрия фанининг мақсади ва вазифалари, илмий-тадқиқот методлари, долзарб муаммолари. Таълим-тарбия жараёнида педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиш истиқболлари ва муаммолари. Профессор-ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрия диагностикаси. Педагогик квалиметриянинг назорат технологиялари. Таълим-тарбия жараёнидан қўйиладиган натижаларни баҳорат қилиш, идентив ўқув мақсадларини шакллантириш ва унга эришиш технологиялари. Педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиб олий таълимда ташкил этиладиган ўқитиш шакллари: мазруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларининг таълим самарадорлигини аниқлаш методикаси. Талабалар ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва лаёқатини аниқлашда тест топшириқларидан фойдаланиш. Тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. Тест топшириқнинг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тузиш методикаси. Таълим-тарбия жараёнидан қўйиладиган натижаларга эришилганлик даражасини аниқлашда репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий ўқув топшириқларидан фойдаланиш. Педагогик квалиметриянинг инновацион йўналиши бўлган таълим-тарбия жараёнида адаптив тест топшириқлари ва ва Mu test дастуридан фойдаланиш методикаси.



## VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машгулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий тахлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади. Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

**Амалий машгулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**  
Амалий машгулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятги масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машгулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди. Битирув иши талабалари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

маъзулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

-тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва тахлил этиш;

-соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

### Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манабалардан фойдаланилади.

## Адабиётлар

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон хаёғ пировард мақсадимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.-176 б.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.-440 б.

5. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, барқамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизимини дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344 - сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқитишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқидан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июндаги 118-сонли Қарори.



### III. Махсус адабиётлар

1. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. - Т.: 2000. - 218 б.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003. - 192 б.
3. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саттаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. - 182 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: "Истеъод" жамғармаси, 2009. - 160 б.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: "Истеъод" жамғармаси, 2008. - 180 б.
6. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. - Т.: "Академия", 2011. - 154 б.
7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. - Т.: 2006. - 230 б.
8. Самаров Р. (хаммуаллифликда) Сўёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент: Академия, 2010. - 170 б.
9. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). - Тошкент: Университет, 2015. - 95 б.
10. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. - Т.: "Академия", 2003. - 70 б.
11. Топилдиев В. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. - Тошкент: "Университет". 2015. - 245б.
12. Ҳозиев Э. Умумий психология. 1, 2-китоб. - Т.: "Университет", 2002. - 212 б.
13. Ҳозиев Э., Мамедов К. Касб психологияси. - Т.: 2003. - 183 б.
14. Давлатшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. - Т.: ТДПУ, 2002. - 218 б.
15. Иктимоний педагогика. / Н.Эгамбердиева - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. - 232 б.
16. Каримова В.М. Психология. - Т.: Шарқ, 2000. - 210 б.
17. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. - Т.: 2006. - 183 б.
18. Мавлонова Р., Холикбердиев К., Тураева О. Педагогика. - Т.: "Ўқитувчи", 2006. - 298 б.
19. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. Т.: "Ношир", 2013. "Академия", 2012.
20. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: "Академия", 2012.
21. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаўжаева таҳрири остида. - Т.: "Молия-интисод", 2008. - 208 б.
22. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. - М.: ВЛАДОС, 1999. - 567 с.
23. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: "Fan va technology" нашриёти, 2014.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касола ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида"ги Низоми 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги "Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 371-сон Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги "Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сонли Қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги "Магистратура тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4732-сон Фармони.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги "Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида"ги 242-сонли Қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сон Қарори.

24. Сайдахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
25. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
26. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров-дефектологов (монография). – Т.: “Навруз”, 2014.
27. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. – Т.: “Fan va technology”, 2013.
28. Курбонов Ш., Макидов И., Кўчқоров Р. Олий таълим тизимида бошқарув кадрларини тайёрлаш. – Т.: “Академия”, 2002. – 31 б.
29. McKay MooreSohlberg and Lyn S. Turkstra. Optimizing Cognitive Rehabilitation: Effective Instructional Methods. Paperback. England, 2012.
30. Chad A. Noggle PhD, ABNRaymond S. Dean PhD, ABPP, ABN, ABPdNMark Barisa Ph.D, ABPP. europsychological Rehabilitation. Springer publishing company. England, 2013.
31. Jack A.Stark and Frank J. Menolascino. Mental Retardation and Mental Health: Classification, Diagnosis, Treatment, Services (Disorders of Human Learning. Paperback, 2012. England.
32. Randall M. Parker and Jeanne Bolland Patterson. Rehabilitation Counseling:Basics and Beyond. Paperback. 2012.
33. Gary G. Azgaldov. Applied qualitymetry: its origins errors and misconceptions. Emerald Group Publishing Limited. 2011.

#### IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
3. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.icscouncil.gov.uz](http://www.icscouncil.gov.uz).
4. ЎзРес.ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimtm.uz](http://www.bimtm.uz).
5. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz).
6. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).

#### “ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини яқширатишни таъкил этиш Бош вазирнинг методик маркази

Директор \_\_\_\_\_ Ш.Бегимкулов  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 201 \_\_\_\_ й.



#### “КЕЛИШИЛГАН”:

Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги  
Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси

Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ И.У.Макидов  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 201 \_\_\_\_ й.

\_\_\_\_\_ М.Ў.



Норматив номлар: Бошқарма директори \_\_\_\_\_  
университети \_\_\_\_\_

Ректор \_\_\_\_\_  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 201 \_\_\_\_ й.  
\_\_\_\_\_ М.Ў.

Топшиқилган педагогика унверситети  
Бошқарма директори \_\_\_\_\_  
Мажлисини ошириш тармоқ



\_\_\_\_\_ Н.А.Муслимов  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 201 \_\_\_\_ й.